

Намуна

Мусикали хизмат курсатишни ташкил этиш
лойихасининг

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Карши шаҳри - 2004 йил

ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ ТУГРИСИДА МАЪЛУМОТ

1. Лойиха
ташаббускори:

2. Манзили: Карши шаҳри

3. Фаолият тури: Куп тармокли

4. Банк реквизити:

5. СТИР:

1. КИРИШ КИСМИ

«_____» хусусий фирмасининг бизнес-режаси, Карши шаҳрида ва вилоятимиз худудида маданий хизмат курсатишни, яъни уз гуруҳи билан концертлар ташкил этиш мақсадида, лойихани амалга ошириш учун,

«_____» банк ресурслари хисобидан кичик ва урта бизнес субъектларини кредитлаш механизми оркали молиялаштириш натижасида олинадиган мусика асбоб-ускуналарида шахар ва вилоят аҳолисининг ушбу маданий хизматга булган эҳтиёжини янада кондириш ва хизмат курсатиш фаолиятини ташкиллаштиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда.

«_____» хусусий фирмаси Карши шахар хокимининг _____ йил №Х – _____ сонли қарори билан давлат руйхатига олинган булиб, юридик манзили Карши шахар Механизатор посёлқаси.

Хисоб рақами

МФО:

ДАТ«_____» банк Карши шахар булими

ИНН:

2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ.

«_____» хусусий фирмаси лойихани амалга оширишдан мақсади, Карши шахарида ва вилоятимиз ҳудудида маданий хизмат курсатиш, яъни уз гуруҳи билан концертлар ташкил этиш билан шахар ва вилоят аҳолисининг ушбу хизматларга булган эҳтиёжларини янада кондиришдан иборат.

Лойиханинг умумий қиймати 2 300 000 сум, булиб 100 фоиз банк кредити ҳиссасидан ташкил қилинади.

Ушбу лойихани амалга оширишдан мақсад, кредит хисобидан сотиб олинадиган ускуналар хисобидан мусикали маданий хизмат курсатишни ташкиллаштиришни асослашдир.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан мақсад қуйидаги сабабларга қура:

- курсатиладиган хизматлар таннархининг юқори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини қоплай олишлиги,

Курсатиладиган хизматларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музоқаралар, уларнинг лойиха буйича ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини қурсатди.

Ушбу лойихани амалга ошириш, юқори сифатли маданий хизмат курсатишни ташкиллаштириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, фаолият турларини қенгайтиришга йуналтиришга ички имқоният яратиб беради.

3. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

Лойиха ташаббусқори, хусусий фирманинг рақобатга қучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узғаришига тезда мослашиш

хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юкорида кайд этилган хусусиятга кура, амалга ошириладиган лойиханинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга караб, курсатиладиган мусикали хизматлар номенклатурасини киска муддат ичида узгартириш, мослаштириш, курсатиладиган хизматлар ички харажатларининг пастлиги, ракобатга бардош бериш имкониятига эга булишини кафолатлайди.

4. ХИЗМАТЛАРНИ СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Лойиха ташаббускорининг максадига кура, курсатиладиган хизматлар сотиш программаси стратегияси, мусикали хизматларнинг сифати ва турига булган талабни хамма вақт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, хамда, юкорида кайд этилган фикрлардан келиб чиккан холда, хизматларга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

5. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиханинг умумий нархи 2 300 000 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббускори томонидан, банкдан, 2 300 000 сум миқдоридан қарз маблағлари ҳисобидан замонавий мусика асбоб-ускуналари сотиб олиш режалаштирилган.

5.1 таблицада, лойиха нархи аниқ курсатилган.

Лойиханинг умумий нархи

Жадвал 5.1.

№		Уз ҳисобидан (сум)	Банк кредити (сум)	Умумий миқдори (сум)
1.	Аппаратура	0	1 200 000	1 200 000
2.	Мусика компьютери	0	300 000	300 000
3.	Мини клавиш	0	800 000	800 000
	ЖАМИ:	0	2 300 000	2 300 000

Лойихада ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган кредит шартлари

1. Кредит миқдори – 2 300 000 сум
2. Қайтариш муддати – 1 йил 3 ой
3. Имтиёз даври – 3 ой

4. Йиллик фоиз ставкаси – 20 %
5. Кредитни епиш – 1- йилдан тенг баъдаллар билан кайтариш.

6. ХИЗМАТ КУРСАТИШ ПРОГРАММАСИ

Хизмат курсатиш режаси.

Хизмат курсатиш режаси ва курсатиладиган хизматлар номенклатураси, кредит хисобидан сотиб олинadиган ускуналарнинг кувватидан келиб чиккан холда тузилди.

Лойиха ташаббускорининг максадига кура, лойиха молиялаштирилганидан сунг, уз гурухи томонидан ахолининг туй маросимларида концертлар бериш билан маданий хизматни амалга оширади. Асосий туй маросимлар урф-одатимизга кура июндан декабргача булиб утади. «_____» хусусий фирмасининг мусика гурухи вилоятда мухлислари ичида жуда катта уз мавкеига эга булган гурух хисобланади. Туй маросимлари вақтида хафтасида камида 2та туйга мусикавий хизмат курсатишга таклиф этилаётганини, гурухнинг ушбу кунгача булган фаолият статистикаси курсатди.

Мавсум вақтида, яъни июн-декабр ойларида 50 та туй маросимларига хизмат килиниши эътиборга олиниб, барча хисоб-китоблар ушбу хизмат сони буйича амалга оширилди.

Уртача хисобда бир концертга 2 соат вақт кетади.

Амортизация ажратмаси

Корхона балансида 2 300 000 сумлик асбоб-ускуналар асосий восита булиб, «Солик кодекси»даги амортизация чегирмаси асбоб-ускуна учун 15% микдорида белгиланган.

Амортизация чегирмаси йил давомида асбоб- ускунага 345 000 сумни ташкил этади. Бир ойда 28 750 сумни, бир кунда 958 сумни ташкил этади. 1 хафтада, яъни 7 кунда амортизация чегирмаси микдори 6 708 сумни ташкил этади.

Хафтада 2 маротаба хизмат курсатилишини эътиборга олсак, амортизация чегирмаси микдори 3 354 сумни ташкил этади.

Электро-энергия харажатлари.

Бир мусикавий хизмат курсатиш вақтида, асбоб-ускуналар 38 кВт энергия сарф килади. Корхона бир кВт электроэнергия учун 27 сум микдорида хак тулайди.

Э/энергия харажати 1 мусикавий хизматда 1028 сумни ташкил этади.

Транспорт

Муסיкали хизмат курсатишни ташкиллаштириш учун транспорт харажати уртача 5 000 сум микдорида режалаштирилган.

Ташкилий режа

Ушбу лойихани амалга оширишда, корхонанинг маъмуриятини саклаш, бошка фаолият туридан олинадиган даромадлар хисобига копланеди

Иш хаки фонди хисоби

Жадвал 6.1

№	Штатлар руйхати	Ишчилар сони	Ишчилар оклади мик	Бир ойлик маоши	Йиллик маоши
1	Гурух рахбари-солист	1	30000	30000	360000
2	Муסיкачилар	3	25000	75000	900000
	ЖАМИ:			105000	1260000
	33% чегирма			34650	415800
	ЖАМИ суммаси			139650	1675800

1 мартадаги муסיкавий хизматда иш хаки харажати 17458,25 сумни ташкил этади.

1 муסיкавий-концерт хизматининг калькуляцияси

Жадвал 6.2

№	Курсаткич номи	Суммаси
1.	Амортизация	3 354
2.	Электроэнергия	1 028
3.	Иш хаки	17 458
4.	Транспорт	5 000
5	Бошка харажатлар (10% микдорида)	2 684
6.	Жами харажатлар	29 524
7.	Хизмат курсатиш хаки	85 000
	Фойда	55 476

1 йил давомида килинадиган харажатлар

Жадвал 7.3

№	Курсатиладиган хизматлар номи	Сони 1 йилда	Нархи	Суммаси
1	Концерт	50	29 524	1 476 200
	ЖАМИ			1 476 200

2	Харажатлар	369 050	369 050	369 050	369 050	369 050	1 845 250
3	Даромад	1 068 450	1 068 450	1 068 450	1 068 450	1 068 450	5 342 250
4	Кредитнинг фоизи	115 000	100 000	75 000	50 000	25 000	365 000
5	Кайтариладиган кредит суммаси	300 000	500 000	500 000	500 000	500 000	2 300 000
6	Солик туловлари 13%						
	Соф фойда						

8. ХУЛОСА.

Ушбу лойихани тақдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, Карши шаҳрида ва вилоятимизда ушбу хизмат бозорининг ахволи урганилди ва лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган ҳамма факторларни эътиборга олиб, чуқур таҳлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, ички бозордаги шароитни ва мумкин булган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб килинган таҳлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва ҳаётийлиги тугрисида хулоса килинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши лойиха ташаббускори фикрини ҳаётга татбиқ этишга ҳамда Республикамизда олиб борилаётган иктисодий ислохатларга уз улушини кушишга имкон яратилади.